

Ўзбекистон туманида Президент қарори ижроси юзасидан жамоатчилик эшитуви ўтказилди

“Юксалиш” умуммиллий ҳаракати вилоят ҳудудий бўлини ташаббуси билан Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сонли “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон туманида жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик эшитувида вилоят ИИБ ЙХХБ мутасаддилари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, йўл қатновида жойлашган мактаб ва мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Эшитувда тумандаги мактаблар яқинида кўчма светофорлар ўрнатиш, пиёдалар йўлакларидаги ноқонуний қурилган қурилмаларни кўчириш бўйича аниқ таклифлар берилди. Ушбу таклифлар Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилиши белгиланди.





2022-11-30 10:57:00